

Ўзбекистон ҳудудлари энг қадимги даврлардан бошлаб жахон цивилизациясининг ўчоқларидан бири эканлигига илмий жихатдан ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилаётган кенг миқёсдаги тадқиқот ишларининг натижалари ҳам Ватанимизнинг жахон цивилизациясида тутган ўрнини тасдиқлайди. Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқларнинг турли даврларда, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда эришган ютуқлари ҳамда тараккиёт босқичига кўтарилишини цивилизация тушунчаси ўзида акс эттиради. Бу тараккиёт босқичи инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изоҳланади.

Ўрта Осиё цивилизацияси турли ҳудудларда турли даврларда пайдо бўлди ва ривожланди. Мисол учун, жанубий ҳудудларда яшаган қадимги қабилалар милоддан аввалги VI минг йилликдаёқ дехқончиликка ўтиб, унумдор хўжалиқни ривожлантирган бўлсалар, бу даврда шимолий ҳудудлардаги қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачилиқнинг илк шакллари билан шугулланганлар. Бу нотекистик жараёнини табиий географик шароитлар ва ўзаро муносабатлар билан изоҳлаш мумкин. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг чўл ва дашт ҳудудлари ҳамда тоғолди ва дарё воҳалари ҳудудларининг ривожланиш даражасидаги маданий нотекистикни таккослаб кўриш (Копетдоғ, Хисор, Зарафшон тоғолди ҳудудлари ҳамда Кизилқум, Қорақум, Қашқадарё ва Зарафшон воҳасининг дашт ҳудудлари) муҳимдир.

Ундан ташқари, Ўрта Осиёда турли-туман маданият яратган қадимги аҳолининг неолит давридаёқ, яъни милоддан аввалги VI-IV минг йилликлардаги ўзаро муносабатлари ва бу аҳолининг Шарқдаги, даставвал Олд Осиёдаги бошқа қадимги цивилизация ўчоқлари билан узвий алоқада бўлиши ҳам маҳаллий цивилизациянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.